

## Пудрат шартномаси № 5

Урганч туман

«07» июл 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Низом асосида ишқурувчи буюртмачи **Б.Нурметов** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“Дўрман грант қурилиш” хусусий корхонаси** Номидан низом асосида иш қурувчи **Ф.Эгамбергенов** иккинчи томондан **Урганч тумани Янги обод маҳалласи Тафаккур 4-йулак кучаси ички хужалик йулини жорий таъмирлаш (0,425км)** ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I.Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки қош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II.Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Урганч тумани Янги обод маҳалласи Тафаккур 4-йулак кучаси ички хужалик йулини жорий таъмирлаш (0,425км)** смета лойиҳада қузда тутилган объектни қуриш буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III.Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни (ҚҚС) ҳи уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **285 000 000 (Икки юз саксон беш миллион)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1 - иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш, бунда объект нархининг камида 20% микдоридаги ишларни уз кучлари билан бажариши шарт;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюрмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

9. Шартнома: миллий валюта "сум"да узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин қучга қиради.

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома буйича мақсадли аванс беради ташкилотнинг молиялаштириш жадвали буйича тўғридан-тўғри пудратчининг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз микдорида аванс ўтказиши, бу **85 500 000 (Саксон беш миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

18. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

21. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

22. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

## **X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

24. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар курилишини муҳокама қилидилар.

25. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

26. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб 3 қун мобайнида қабул қилиб олинади.

28. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 қун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

30. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;  
объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва усқуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-усқуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

32. Буюртмачи:

шартнома кучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;  
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

38. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорига жарима тулайди.

41. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоиз миқдорига пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

43. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тартиби

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чиқилади.

#### XVI. Алохида шартлар

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

46. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзоланиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга қиради ва 31.12.2022 йилгача қадар амал қилади.

47. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қулланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 3 нусхада тузилди.

#### XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

50. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив 15 хужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди.

51. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**ПУДРАТЧИ:**

**БУЮРТМАЧИ:**

“Дўрман грант қурилиш” х/к	Ўрганч тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Ўрганч тумани Мергановул маҳалласи Ватанпарвар кўчаси 52-уй	Манзили: Ўрганч тумани
Тел: 97-528-32-32	Тел/факс: +998-97-510-55-88
х/р: 20208000505042184001	ш/х: 401722860332177065200110004
ИНН: 306186040	ИНН: 206947891
МФО: 00570	Молия вазирлиги Ғазначилиги
Микрокредит банк Каровул филиали	Ғазна х/в : 23402000300100001010
	Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий Банк ХККМ
	МФО: 000140111 ИНН: 201122919



Ф.Эгамбергенов  
(имзо)



М.У. Б.Нурметов  
(имзо)

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

“Do‘rman grant qurilish” xususiy korxonasi bilan Urganch tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida 07.07.2022-yilda tuzilgan 5-sonli Urganch tumani, "Yangi obod" mahallasi, Tafakkur 4-yo‘lak ko‘chasi ichki xo‘jalik yo‘lini joriy tamirlash to‘g‘risidagi shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va hujjat sanasi haqidagi ma‘lumot:**

Urganch tumani maktabgacha bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan markazga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 07.07.2022-yilda dasturga kiritilgan. Hujjat raqami FV50844507

4. Mazkur loyiha O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun talablariga javob beradi. Loyihada o‘zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma’suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Urganch tuman yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi boshlig‘i



J.Atadjanov

07.07.2022-yil.

**Урганч тумани Янги Обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км) ишлари бўйича танлов савдоларида ютиб олган нархи 2022 йил ойлар давомида ишларни бажариш**

**Ж А Д В А Л И**

(минг.сўмда)

2022 йил бўйича қурилиш қиймати																	
Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилган маблағ	1 - чорақ			2 - чорақ			3 - чорақ			4 - чорақ					
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябрь	д екабрь			
1	Урганч тумани Янги Обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км) ишлари	285 000,000															
	<b>ЖАМИ</b>	<b>285 000,000</b>															



Буюртмачи :



Пудратчи :

**Урганч тумани Янги обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кучаси ички хужалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км) ишлари бўйича танлов савдоларида ютиб олган нарҳининг 2022 йил ойлари давомида молиялаштириш**

**Ж А Д В А Л И**

(минг.сўмда)

Т/р	Ишлар тури ва номи	Жами молиялаштирилган маблағ	2022 йил бўйича қурилиш қиймати																
			1 - чорак			2 - чорак			3 - чорак			4 - чорак							
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь					
1	Урганч тумани Янги обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кучаси ички хужалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км) ишлари	285 000,000										85 500,000							
	<b>ЖАМИ</b>	285 000,000										199 500,000							



Буюртмачи :





"Утверждаю"  
Зам хокима район Ургенча  
А. Хужаев  
"\_\_\_\_\_"/\_\_\_\_\_ 2022 г.



## ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

### Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Урганч туманидаги Янги Обод махалласи Тафаккур 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км)	
2. Отрасали		
3. Инвестор		
4. Заказчик	Урганч туман "Ободонлаштириш бошкармаси"	
5. Разработчики :		
5.1 ТЭО	"Хоразм йўл кўприк қурилиш" МЧЖ	
5.2 ПСД и/ или ТД		
5.3. Экспертизы		
6. Генеральный подрядчик	«Дўрман грант қурилиш» ХК	
7. Источник финансирования	Местный бюджет	
8. Срок начала и окончания строительства	2022 г	
9. Основные показатели стройки :	Всего	2022 г
Мощность ( в соответст. Единицах измерения)	объект	0,425км
Основные фонды	293 500,001	293 500,000
Капитальные вложения	293 500,001	293 500,000
Строительно - монтажные работы	285 000,001	285 000,000
Оборудование и инвентарь		
Прочие работы и услуги	8 500,000	8 500,000
Содержание службы заказчика		
Прогноз на 2021 год в соответствии с согласованным с Э и МФ адресным списком		В договорных ценах (тыс.сум)
Мощность ( в соответст. Единицах измерения)		объект
Основные фонды	293 500,001	293 500,000
Капитальные вложения	293 500,001	293 500,000
Строительно - монтажные работы	285 000,001	285 000,000
Оборудование и инвентарь		0,000
Прочие работы и услуги	8 500,000	8 500,000
Содержание службы заказчика		0,0

### Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 год (в текущих ценах, тыс.сум)

	Всего на год	В том числе по кварталам:			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	объект		объект		
Основные фонды	293 500,001		293 500,000		
Капитальные вложения	293 500,001		293 500,000		
Строительно - монтажные работы	285 000,001		285 000,000		
Оборудование и инвентарь	0,000		0,000		
Прочие работы и услуги	8 500,000		8 500,000		
Содержание службы заказчика	0		0,000		



Заказчик:

Подрядчик:



Б. Нурметов

Ф. Эгамбергенов

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Урганч туман хокими

Ф. Шаритов

2022 йил

"КЕЛИШИЛДИ"

Урганч туман молия бўлими

муdiri

Р. Собиров

2022 йил

Хоразм вилояти бўйича 2022 йилда Манзилий дастурига киритилган Урганч туман Ободлаштириш бошқармасининг ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш бўйича  
**МАНЗИЛИЙ РЎЙХАТИ**

№	№	Ишга таъмирлаш ва манзилий кўрсаткичлари	Таъмирлаш ишларининг бошланиши ва тугаллаши ва вақти	Пудрат шартномаси тузилиши вақти ва таъмирлашнинг умумий киймати	Таъмирлашнинг 2022 йил январь ҳолатига қолдиқ киймати (минг сўм)	2022 йил капитал қўйилмалар ҳажми (минг сўм)				Ишга туширилган ассоний воситалар (минг сўм)	2023 йил 1 январь ҳолатига Утувчи объектлар бўйича қолдиқ киймати	Лойiha экспертизадан ўтказилган ва тартиб рақами	Танлов савдолар ўтказилган вақти, танлов натижаларига эришилган ва баён тартиб рақами	Пудратчи таъмирлаш номи	
						Жами қўйилмалар	КМН (СМР)	Жихозлар	Бюджетнинг харожаглари						
1	2	Урганч тумани Янги Обод маҳалласи Тафаккур 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,448км)	2022-22	298500,000 85000,000	298500,000 85000,000	298500,000 85000,000	2900000,000	11	12	13	14	15	16	17	18
2	2	Урганч тумани Янги Ўртабег маҳалласи тинч остана 4-йўлак кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,425км)	2022-22	293500,000 85000,000	293500,000 85000,000	293500,000 85000,000	2850000,000	11	12	13	14	15	16	17	18
3	3	Урганч тумани Бешайвон маҳалласи Замакшарий кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (0,747км)	2022-22	435300,001 133000,000	435300,001 133000,000	435300,001 133000,000	4220000,001	13300,000	133000,000	133000,000	0,747		№48191 23.06.2022 й	№112488 04.07.2022 й	"Дўрман грант қурилиш" х/к
4	4	Урганч тумани Араблар маҳалласи Ўзбекистон шох кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,232км)	2022-22	809856,207 133000,000	809856,207 133000,000	809856,207 133000,000	796356,207	13500,000	135000,000	135000,000	1,232		№48190 23.06.2022 й	№112488 04.07.2022 й	"Дўрман грант қурилиш" х/к
		Жами:		1837156,209 438000,000	1837156,209 438000,000	1837156,209 438000,000	1793356,209	43800,000	438000,000	438000,000	2,852				танлов

Урганч туман хокимининг

Ўринбосари

А. Хаджаев

Урганч туман Ободлаштириш

бошқармаси бўлими

Нурметов

